

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

2015, №1

2011 йилдан чиқа бошлаган

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI АХБОРОТНОМАСИ



ВЕСТНИК

ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

Тошкент

САЛАР ОЧИҚ СУВ ҲАВЗАСИНИ САНИТАР-ТОПОГРАФИК ТЕКШИРИШ

Г.Т. Искандарова, А.М. Юсупхўджаева, Ф.М. Тўрахонова

САНИТАРНО-ТОПОГРАФИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ОТКРЫТОГО ВОДОЕМА САЛАР

Г.Т. Искандарова, А.М. Юсупхўджаева, Ф.М. Тўрахонова

SANITARY-TOPOGRAPHIC SURVEY OF OPEN WATER SALAR

G.T. Iskandarova, A.M. Yusupkhodjaeva, F.M. Turahonova

Тошкент тиббиёт академияси

Цель: анализ результатов санитарно-топографического и санитарно-химического исследования источника централизованного хозяйственно-питьевого водоснабжения Салар. **Материал и методы:** часть водоканала Салар изучена с помощью визуального, санитарно-химического и бактериологического методов исследования. **Результаты:** на берегах водоканала Салар, который протекает по территории населенного пункта, расположены частные жилые дома. Существует несколько источников загрязнения водоема: резиновый завод, завод по переработке кожи, скотомогильники. Образующиеся сточные воды загрязняют водоем в нижней части и становятся причиной загрязнения на выходе водоема из города. **Выводы:** на основании санитарных правил и норм №0172-04 "Санитарная охрана открытых водоемов от загрязнения" водоем соответствует II категории.

Ключевые слова: источники загрязнения водоемов, санитарно-топографическое исследование, очистка сточных вод.

Objective: Analysis of the results of sanitary-topographic and sanitary-chemical study of the source of centralized drinking water supply Salar. **Materials and Methods:** Part of water Salar was studied using visual, sanitary-chemical and bacteriological methods.

Results: There are private houses on the banks of the water Salar, which flows through the territory of the settlement. There are several sources of pollution of the water: rubber plant, processing plant, skin, animal burials. The wastewater pollutes water in the bottom and become a cause of pollution at the outlet of the reservoir from the city. **Conclusions:** According to the sanitary rules and norms No. 0172-04 "Sanitary protection of open water from pollution", the reservoir corresponds to category II.

Key words: sources of water pollution, sanitary-topographic survey, wastewater treatment.

Очиқ сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш халқ хўжалигининг олдида турган асосий муаммолардан биридир. Мазкур муаммони ҳал этиш аҳоли ўртасида ичак инфекцияларини олдини олиш ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масалаларини ҳал этишга имкон яратади. Ичимлик суви ва аҳоли томонидан хўжалик – маиший мақсадларда фойдаланиладиган сув объектлари биологик, физик ва кимёвий омиллар билан ифлосланмаган бўлиши керак. Сув таркибидаги кимёвий моддалар, биологик фаол моддалар, микроорганизмлар санитар қондалар бўйича меъёрлаштирилиши керак. Сув ҳавзаларини маълум мақсадлар учун фойдаланишда санитар эпидемиологик хулосасидан сўнг рухсат берилди [1,3].

Мамлакатимизнинг табиий бойликларидан рационал фойдаланиш ва уларнинг муҳофаза қилишга муваффақиятнинг дастлабки йилларидан бошлаб катта эътибор қаратилди. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш эса Давлат иқтисодиётининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолди. Бу вазифалар ўз ўрнида очиқ сув ҳавзаларини муҳофаза қилишга қаратилган бир қанча чора-тадбирлар ишлаб чиқишга сабаб бўлди.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш муаммолари табиатни ҳимоя қилишга қаратилган чора тадбирларнинг ўз вақтида бажарилиши билан узвий боғланган [1,5].

Тадқиқот мақсади ва вазифалари

Тошкент шаҳри аҳолисига сифатли ва етарли марказлаштирилган ичимлик – хўжалик суви таъминоти маъналаридан бири ҳисобланган Салар каналини санитар-топографик ва санитар-кимёвий текширувдан ўтказиш ҳамда олинган натижаларни таҳлил қилиш.

Тадқиқот усуллари ва материаллар

Тадқиқот объекти сифатида Салар каналининг маълум бир қисмлари ўрганилди. Бунда очиқ сув ҳавзаси ва уни ўраб турган ҳудуд анъанавий визуал, анамнестик, санитария-кимёвий ва бактериологик текширувлардан ўтказилди [4]. Салар каналини санитария-топографик текширишда оқим бўйлаб қуйи қисми ва уни ўраб турган ҳудуднинг санитария ҳолати баҳоланди. Бунда ўрганилган ҳудуд давомийлиги дарёнинг сув сарфи ва оқим тезлигига боғлиқ бўлади. Санитария-топографик текшириш асосида лаборатория текширув натижалари таҳлил қилинди. Бунда сувнинг органолептик, кимёвий ва бактериологик кўрсаткичлари таҳлил натижалари ётади. Сув манбасини санитария текширув ўтказилганда дарёдаги сув сарфи ўрганилиши зарур.

Олинган натижалар ва уларни муҳокамаси

Тошкент шаҳридаги очиқ сув ҳавзалари аҳоли томонидан турли мақсадларда кенг фойдаланилади. Шулардан бири Салар очиқ сув ҳавзаси бўлиб, у Тошкент шаҳридан 6 км юқорида, Чирчиқ дарёсининг энг асосий ирмоғи Бўзсув каналидан сув олади. Шаҳарнинг қуйи қисмига ўтган сари, яъни шимолий-шарқдан, жанубий-ғарбга оқиб, шаҳардаги кичик ариқлар тизимидаги ортиқча сувларни ҳамда кўп миқдордаги оқава сувларни ҳам ўз таркибига қабул қилиб олади.

Шаҳардан ташқарида эса бу канал Қора-сув магистрал ирригацион каналларига қуйилади. Канал бошланиш жойидан 25 км қуйида Салар каналидан Жун-ариқ канали бошланади, 45 км. да эса Ниёзбошариғи бошланади. Ушбу ариқлардан аҳоли турли мақсадларда фойдаланади.

Салар каналининг 36 кмлик масофаси текширилди. Бунда “Салар” канали сувидан ташқари унга ёндош бўлган йирик ариқлар, яъни Қора-сув ариқларининг суви ҳам текширилди. Салар сувда тузлар миқдорининг орттишига асосий сабаб унга грунт сувларининг қуйилишидир. Салар канали сувининг сифати кимёвий ва бактериологик кўрсаткичларини яхшиланиши шаҳар ҳудудини ўзидаёқ бошланади. Салар канали сувининг Қора-сув ирригацион каналларига қўшилиши канал суви сифатини ижобий томонга ўзгартиради. Сўнгра оқим бўйлаб канал сувда ўзгаришлар кузатилмайди. Каналдаги сувда ўзини-ўзи тозалаш жараёни ёз ойларида жадал кетади, баҳор, куз ва қиш ойларида эса пасайиб боради. Салар, Қора-сув ирригацион каналлари сувининг сифати таққосланганда, янги ифлосланган сув Саларда, энг кам ифлосланган сув эса Жун каналда оқиши аниқланди.

Сув сифатини баҳолашда ўзига маиший ҳамда ишлаб чиқариш корхона чиқинди суви, яъни Саъдий кўчасидан, вокзал олди ҳудудидан, Ўзгариш маҳалласидан тери ишлаш корхонасидан келувчи коллекторлардан намуналар олинди. Намуна олиш ҳар 4 соатда ўтказилиб, олинган намуналар сони 6 тани ташкил этди. Бундай синамалар ҳар ойда бир марта март ойидан декабр ойигача олиниб, ўрганилди.

Тошкент шаҳар ҳудудидаги Салар суви сифатини ўрганиш мақсадида каналнинг 5 км жойи белгилаб олинди. Салар канали суви сифатини баҳолаш учун унинг 5 км қисми мунтазам ўрганилди. Бунинг учун Салар бошланиши жойидан 13,2 км қуйи қисми танланди. Чунки шу танлаб олинган ҳудудда Салар канали ўз таркибига юқори турувчи барча манбалардан тушувчи сувлар ташланади. Салар канали суви таркибидеги ўз-ўзини тозалаш жараёнига таъсир этувчи омилларни ўрганишда, сувнинг суюлиши ва биокимёвий оксидланиш ҳолати инобатга олинди. Бунинг учун магистрал канали сувининг таъсири сезиларли бўлади.

Салар канали суви сифатини биокимёвий оксидланиш кўрсаткичлари ҳисобига яхшиланиб боришини Саларнинг икки тармоғи: Саларнинг бошланиш жойидан 25 км қуйи жойи ҳамда Жун каналининг 17 км қуйи қисмлари ўрганилди. Бу икки тармоқни ўрганишдан асосий мақсад Салар канали оқим бўйлаб қуйида ҳам ариқларни сув билан таъминловчи манба, ҳам суғориш далаларидан сув қабул қилувчи канал вазифасини бажаради.

Жун эса фақат дала ва боғларга сув тарқатувчи канал вазифасини бажаради. Сувни ўз-ўзини тозалаш жараёнини тузатишда булардан ташқари ҳар икки тармоқнинг оралиқ нуқталаридан синамалар олиб баҳоланади. Белгиланган нуқталардан намуналар икки хил мавсум: қиш ва ёз ойларида олиб баҳоланди.

Салар сувини кимёвий-бактериологик текшириш натижасида қуйидаги маълумотлар олинди:

Биринчи пунктдан олинган намуна натижасига кўра Салар канали суви тоза дарё сувига тенглаштирилиши мумкин.

Ёз ойларида Салар канали қишга нисбатан кимёвий ва бактериологик жиҳатдан кўпроқ зарарланади. Салар каналининг ўртача сув сарфи ёз ойларида 11,9 м³/с, оқимга қарши 5,5 м³/с ни ташкил этмоқда.

Салар канали сувини ўз-ўзини тозалаш жараёнини тузатиш учун канал суви икки оқимга бўлинди: биринчи оқим сувларни тўлиқ аралаш иш жойи (18,2 км) ва иккин-

чи оқим эса Жун-Салар гидростатида (25 км) этиб белгиланди.

Биринчи оқимдан олинган намуна натижаларига кўра сувни суюлишини сув сифатига қандай таъсир кўрсатиши ўрганилди. Ёз ойларида Жун канали 30 м³/с бўлганда у Салар канали суви билан аралашини натижасида канал суви сифати яхшиланди. Қиш ойларида эса Жунда сув сарфи 2,04 м³/с бўлганда, Салар сувининг сифати сезиларсиз ўзгаради.

Аналитик маълумот натижаларини таққослаш натижасида Саларнинг иккита тармоғидаги сувнинг сифати яхшиланиб бориши маълум бўлди (шаҳардан ташқарида 6,8 км жойи) оқим бўйлаб Саларнинг қуйи қисми ўрганилмади, чунки шаҳардан ташқарига чиққандан сўнг Салар каналига янги, қўшимча ифлослантурувчи манбалар тушади.

Қиш ойларида Жун-Салар тармоғида сувнинг сифат кўрсаткичини пасайиши натижасида биринчи оқимнинг қуйи қисмида сувни ўз-ўзини тозалаш жараёни тўхтади (гидростатнинг 15 км қисмида), иккинчи оқим яъни Жун каналда сувни қуйи қисмида сувнинг сифати 0,2 м³/с, бўлган бир пайтда, канал сувига жуда кўп янги ва турли хилдаги ифлослантурувчи манбалар ташланади.

Ариқ сувидеги бактериологик кўрсаткичлар ҳар икки тармоқда ҳам қиш кунларида яхши томонга ўзгаради. Сув тармоғининг охири нуқталарида бактерияларни нобуд бўлиши 68% ни ташкил этади, аммо уларда сувни ўз-ўзини тозалаш жараёни охирига етмайди. Тоза дарё суви учун бактериялар кўрсаткичи 250 дан 2500 гача (Н.С. Строганов бўйича) бўлишига рухсат этилади. Аммо текширув натижасида олинган маълумотларда бактериал кўрсаткичлар меъёрдан юқорилиги аниқланди. Қиш фаслида Салар канали сувининг 25-60 км қисмида сув сифатининг яхшиланишининг асосий сабаби грунт сувларининг қўшилишидир. Сувни ўз-ўзини тозалаш жараёни самарадорлигини баҳолаш учун сувдаги КБЭнинг фоизлардаги нисбати бўйича аниқланди (Н.С. Строганов бўйича) [2,4]. Сувни бактериал кўрсаткичлар бўйича ўз-ўзини тозалаш тезлигини 1 соат давомида бактериялар сонини фоизларда пасайиши билан ифодаланди.

Салар-Жун каналининг иккинчи тармоғидаги ўз-ўзини тозалаш жараёни фақат сувни биокимёвий оксидланиши ҳисобига ҳамда сувнинг юза реэрация ҳисобига содир бўлади. Салар – Жун канали 11 км қуйи қисмида сувнинг аралашини 3 соат 50 минутни ташкил этади, бунда КБЭ нинг соатлик пасайиш фоизи 10,3% бактериаларнинг нобуд бўлиши 11,3%. Салар канали суви таркибига тушган зарарли моддаларни йўқотиши учун 12,5 соат вақт сарфланади. Салар-Жун каналда сувни бактериал жиҳатдан ўз-ўзини тозалаш жараёни тезроқ кетади.

Хулоса

Каналдаги сув сарфи 48 га тенг. Каналдаги сувнинг оқим тезлиги 0,8 м/сек ли ташкил этади. Ёғингарчилик пайти ва куз, баҳор ойларида сув даражасини орттиши кузатилмайди. Канал туби ва қирғоқлари лойли. Канал аҳоли пункти ёнида, қирғоқларида, турар-жой бинолари, жумладан, хусусий уйлар жойлашган. Сув ҳавзасини ифлослантурувчи бир қанча омиллар: резина заводи, терини қайта ишлаш заводи, қушхоналар мавжуд. Мазкур корхоналардан ажралиб чиқаётган оқава сувлар Салар каналини қуйи, яъни шаҳардан чиқиш жойи қисминини ифлослантурушига сабаб бўлмоқда. Салар каналининг санитар ҳолати тўғрисида умумий хулоса шуки, канал бошланиш

жойида сув ҳавзаси суви 1-тоифаси даражасига мос келади, аммо қуйида унинг таркибига бир қанча ифлослантувчи манбалардан оқава сувларнинг аралашishi натижасида сув ҳавзаси 2-тоифа сув ҳавзаси даражасига мос бўлади.

Адабиётлар

1. Аликбаева Л.А. Научные основы обеспечения гигиенической безопасности эксплуатации городских очистных сооружений с технологией сжигания осадка сточных вод: Автореф. дис. ... д-ра мед.наук. – СПб, 2008. – 47 с.

2. Гриднева М.А. Совершенствование отведения и очистки поверхностных сточных вод урбанизированных территорий: Автореф. дис. ... канд. мед. наук. – Самара, 2004. – 20 с.

3. Красовский Г.Н. Новый аспект концепции санитарной охраны водоемов // Окружающая среда и здоровье населения: Материалы конф. – М., 2003. – С. 193-200.

4. Малышев В.В. Эколого-эпидемиологическая оценка водных объектов мегаполиса // Гигиенические проблемы водоснабжения населения и войск: Материалы конф.; Под ред. Ю.В. Лизунова. – СПб: ВМедА, 2003. – С. 97-99.

5. Санитар қоида ва меъёр №0172-04 “Очиқ сув ҳавзаларини санитария муҳофаза қилиш”. – Тошкент, 2004.

фик ва санитар-кимёвий текширувдан ўтказиш ва олинган натижаларни таҳлил қилиш. **Материал ва усуллар:** тадқиқот объект сифатида Салар каналининг маълум бир қисмлари ўрганилди. Бунда очиқ сув ҳавзаси ва уни ўраб турган ҳудуд анъанавий визуал, анамнестик, санитария-кимёвий ва бактериологик текширувлардан ўтқазилди.

Натижа: канал аҳоли пункти ёнида, қирғоқларида турар жой бинолари жумладан хусусий уйлар жойлашган. Сув ҳавзасини ифлослантувчи бир қанча омиллар: резина заводи, терини қайта ишлаш заводи, қушхоналар мавжуд. Мазкур корхоналардан ажралиб чиқётган оқава сувлар Салар каналини қуйи, яъни шаҳардан чиқиш жойи қисмини ифлослантуришига сабаб бўлмоқда. **Хулоса:** санитария қоида ва меъёр №0172-04 “Очиқ сув ҳавзаларини санитар муҳофаза қилиш”га мувофиқ баҳоланди ва II тоифа сув ҳавзаларига киритилди.

Калит сўзлар: сув ҳавзаларини ифлослантувчи манбалар, санитар-топографик текшириш, чиқинди сувларни тозалаш.

САЛАР ОЧИҚ СУВ ҲАВЗАСИ САНИТАРИЯ-ТОПОГРАФИК ТЕКШИРИШ

Г.Т. Искандарова, А.М. Юсупхўджаева, Ф.М. Тўрахонова

Мақсад: марказлаштирилган ичимлик – хўжалик суви таъминоти манбалари Салар каналини санитар-топогра-

ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТ

ОВИ НАЙОТ TANQISLIGI

Hisob-kitoblar shuni ko'rsatmoqdaki, 2020—2025 yillarga keliboq, barcha chuchuk suv resurslari inson faoliyati uchun egalab bo'linadi, ya'ni suv ham investitsiya manbaiga aylanishi va sotilishi ehtimoli bor. Dunyo miqyosida so'nggi 100 yilda suv sarflanishi olti marotaba oshgan. Bu ketishda 2050 yilga kelib insoniyatga hozirgiga nisbatan ikki barobar ko'proq suv zarur bo'ladi. Suv esa kamaygandan kamayib boraveradi. Hozirning o'zida dunyo miqyosida 1.1 milliard inson doimiy ravishda suv tanqisligi bilan kurashmoqda. 2 milliard odam bu muammoga vaqti-vaqti bilan duch kelib turibdi. Bu sayyoramiz aholisining yarmi chuchuk suvga zoriqqanligidan dalolat beradi. Har kuni 6000 nafarga yaqin odam (asosan bolalar) bu muammoning u yoki bu oqibatlari tufayli nobud bo'lmoqda. 2030 yilga kelib 500 mln ga yaqin odam suv izlab qit'adan qit'aga ko'chib yuradi. Bu muammo butun insoniyatni o'ylantirib, 22 mart kuni Butun jahon suv kuni deb e'lon qilingani bejizga emas. Umuman olganda, dunyo miqyosida ichimlik suvi ta'minoti kelajakda qanday bo'lishi bo'yicha mutaxassislar quyidagi ikki taxminni bildirmoqdalar: (Eng qizig'i, har ikkala taxmindan Xitoy bilan Hindiston omili bor. Aynan shu ikki davlat aholisi eng ko'p bo'lishi bilan birga, rivojlanish sur'ati bo'yicha ham etakchilik qilishmoqda). Hozirdanoq dunyodagi aholisi 10 mln. kishidan ortiq 22 davlat ichimlik suvi tanqisligi va oqava tizimlar etishmasligidan aziyat chekmoqda. Eng murakkab vaziyat esa Xitoyda yuz beryapti. Mamlakatdagi 600 ta shahardan 550 tasi yuqoridagi muammoga ozmi-ko'pmi duch kelgan. Hindistonda ham bu boradagi ahvol havas qilgudek emas. Kelajakda suvga bo'lgan talabning oshib borishi, qishloq xo'jaligi mahsulotlari, ya'ni oziq-ovqat muammosini keltirib chiqaradi. Bu muammo insonlarning yanada kuchli tabaqalanishiga olib keladi. Shundoq ham qashshoqlik hukm surayotgani kamlilik qilayotgandek, yildan-yilga qurg'oqchilik avj olayotgan Afrika qit'sidan millionlab muhojirlar Evropa va Osiyoga qarab yo'l olishadi. Bu esa o'z navbatida ijtimoiy muammolarni, irqiy ziddiyatlarni keltirib chiqaradi.

Hasan OLIMOV

КОМБИНИРОВАННАЯ ХИМИОЛУЧЕВАЯ ТЕРАПИЯ ПРИ МЕСТНО-РАСПРОСТРАНЕННОМ РАКЕ НОСОГЛОТКИ	
А.А. Маматисаев, Д.Б. Юсупова, М.С. Худоёров, М.А. Маликов	54
СРАВНИТЕЛЬНАЯ ОЦЕНКА СПОСОБОВ ОПЕРАТИВНОЙ КОРРЕКЦИИ БОЛЕЗНИ ГИРШПРУНГА У ВЗРОСЛЫХ	
М.М. Мирзахмедов	57
ВОЗМОЖНОСТИ РАННЕЙ ДИАГНОСТИКИ ПЕРЕНАШИВАНИЯ ПУТЕМ ОПРЕДЕЛЕНИЯ СТРУКТУРНО-ОПТИЧЕСКИХ СВОЙСТВ СЫВОРОТКИ КРОВИ	
Д.Ф. Нажметдинова, М.Н. Негматуллаева	59
ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ВЫБОР МЕТОДА ЛЕЧЕНИЯ БОЛЬНЫХ СО СТРИКТУРОЙ УРЕТРЫ	
Ф.Р. Насиров, А.И. Хасанов, Д.Х. Мирхамидов, Х.Б. Худойбердиев, О.М. Рахмонов, С.С. Касымов, Р.А. Хашимов	62
IMPORTANCE OF REFLUXATE NATURE IN THE MANIFESTATION OF CLINICAL AND ENDOSCOPIC SIGNS OF GASTROESOPHAGEAL REFLUX DISEASE	
Z.M. Orziev, D.H. Yuldasheva, B.Y. Muzaffarov	65
УСОВЕРШЕНСТВОВАННЫЙ МЕТОД НЕНАТЯЖНОЙ ГЕРНИОАЛЛОПЛАСТИКИ ПРИ ПАХОВЫХ ГРЫЖАХ	
К.Э. Рахманов, З.Б. Курбаниязов, С.С. Давлатов, А.А. Эгамбердиев	68
ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ РЕЦИДИВИРУЮЩЕГО ОСТРОГО ЛАРИНГОТРАХЕИТА У ДЕТЕЙ	
Г.У. Самиева, Х.Э. Карабаев	71
ИЗМЕНЕНИЕ СВЕРТЫВАЮЩЕЙ СИСТЕМЫ У БОЛЬНЫХ С ЧЕРЕПНО-МОЗГОВОЙ ТРАВМОЙ ПРИ ПРИМЕНЕНИИ ПРЕПАРАТА ГЭК (НИРХЕС 200/0,5)	
З.Б. Урунов, Б.Ю. Юсупова, С.Н. Наврузов, Ж.Б. Бобоев	75
ДРЕНИРОВАНИЕ ГЛАВНОГО ПАНКРЕАТИЧЕСКОГО ПРОТОКА ПРИ ГАСТРОПАНКРЕАТОДУОДЕНАЛЬНОЙ РЕЗЕКЦИИ	
М.Ш. Хакимов, А.А. Адылходжаев	78
ОСОБЕННОСТИ КЛИНИЧЕСКОГО ТЕЧЕНИЯ И ЛЕЧЕНИЯ ХРОНИЧЕСКОГО ТОНЗИЛЛИТА У БОЛЬНЫХ САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ	
С.А. Хасанов, У.А. Иргашева	83
РЕЗУЛЬТАТЫ ЛЕЧЕНИЯ РАННИХ ВНУТРИПЛЕВРАЛЬНЫХ КРОВОТЕЧЕНИЙ И СВЕРНУВШЕГОСЯ ГЕМОТОРАКСА ПОСЛЕ ОПЕРАЦИЙ НА ЛЕГКИХ И ОРГАНАХ СРЕДОСТЕНИЯ	
Ш.Н. Худайбергенов, О.Т. Ирисов, О.Д. Эшонходжаев, Р.Я. Хаялиев, Н.Т. Турсунов	86
• Гигиена, санитария и эпидемиология •	
САЛАР ОЧИҚ СУВ ҲАВЗАСИНИ САНИТАР-ТОПОГРАФИК ТЕКШИРИШ	
Г.Т. Искандарова, А.М. Юсупхўджаева, Ф.М. Тўрахонова	91
РОЛЬ НЕКОТОРЫХ ФАКТОРОВ РЕПРОДУКТИВНОГО ЗДОРОВЬЯ ЖЕНЩИН КАК ПРИЧИНА МАТЕРИНСКОЙ СМЕРТНОСТИ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ	
Б.М. Маматкулов, Д.А. Устамадалиева	94
ПРОФЕССИОНАЛЬНЫЕ ДЕФОРМАЦИИ ЛИЧНОСТИ МЕДСЕСТЕР, РАБОТАЮЩИХ В ОНКОЛОГИЧЕСКИХ ОТДЕЛЕНИЯХ	
Х.Е. Рустамова, И.И. Идрисова, К.У. Эшбаева	97
МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ИЧИМЛИК-ХЎЖАЛИК СУВИНИ АҶОЛИ САЛОМАТЛИГИ УЧУН ХАВФСИЗЛИГИНИ ЭКОЛОГО-ГИГИЕНИК БАҶОЛАШ	
З.Б. Торемуратова, Ш.Ф. Шодиев, Д.А. Акромов	100
К ВОПРОСУ ОБ ОСВЕДОМЛЕННОСТИ НАСЕЛЕНИЯ О ФАКТОРАХ РИСКА ВОЗНИКНОВЕНИЯ ВИЧ-ИНФЕКЦИИ	
У.А. Тўймачев, М.Д. Махсумов, М.М. Мўяссарова, Ф.У. Юлдашева, Н.К. Стожарова	103

• В помощь практическому врачу •

РАЦИОНАЛЬНОЕ ПИТАНИЕ - ОСНОВА ВОССТАНОВИТЕЛЬНЫХ ПРОЦЕССОВ В СТАРОСТИ